КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК



# ЯНГИ КОРХОНАНИНГ ДАДИЛ ҚАДАМИ

**Ўртачирчиқ тумани "Гулистон" қишлоғидаги "Эко-чип плюс" паррандачилик корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ҳозирча 2 минг бош товуқ боқилиб, кунига 1600-1700 дона тухум етиштирилмоқда.**

– Келгусидаги режаларимиз талайгина, – дейди ишлаб чиқариш бўйича бош мутахассис Бахтиёр Маьдиев. – Аввало, музлатиш цехини ишга туширишни мўлжаллаб турибмиз. Бундан ташқари яна бир янги бино қуришимиз керак. Хуллас, товуқларни 50 мингтага етказиб, бир кунда 40-45 минг дона тухум етиштиришга эришиш мақсадидамиз.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА.**

**СУРАТДА:** (чапдан) ишчи Улжон Нолибоева, бош мутахассис Бахтиёр Маьдиев ва ишчи Назира Нолибоева маҳсулот сифатидан мамнунлар.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

**Тошкент ирригация ва мелиорация институти магистрлари "Сув ресурсларининг комплекс эксплуатацияси ва уларни муҳофаза қилиш" йўналишида илмий изланишлар олиб бормоқда.**

## СУВНИ ТОЗАЛОВЧИ МОСЛАМА

Магистрант Ботир Абдураҳмонов эса ўз тадқиқотини Оҳангарон дарёси сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига бағишлади.

Унинг бу муаммони ҳал этиш йўлидаги изланишлари зое кетмади. Ихтиро қилинган техникавий экологик мослама ёрдамида ифлосланган оқава сувлардаги барча зарарли моддалар чиқариб ташланади. Бу янги ихтиро Оҳангарон дарёси ҳавзасида экологик тоза сув ҳосил қилиш учун тақдим этилди.

**Акбар АЛИЕВ.**

# СОҒЛОМ АВЛОД – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

**Ангрен кимё-саноат касб-ҳунар коллежида Маънавият тарғибот маркази Тошкент вилояти бўлими ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида шу мавзуда маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Унда шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, соғлиқни сақлаш, ФХДЁ ходимлари, касб-ҳунар коллежи талабалари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Баркамол авлод йили муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда асосий эътибор аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига қаратилди. Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгида она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини камол топтириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар яқин қариндошлар ўртасида никоҳнинг олдини олиш, эрта турмуш қуриш ва унинг салбий оқибатлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бу борада маҳаллаларда, таълим-тарбия муассасаларида олиб борилаётган тушунтириш ишларини кучайтириш, ҳуқуқ-тартибот ва ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш лозимлиги таъкидланди.

– Президентимиз раҳнамолигида ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада салмоқли натижалар қўлга киритилаётир, – дейди Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Акмал Умаралиев. – Бунда аҳолининг барча қатлами вакилларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбир иштирокчилари мазкур коллежда ўқувчилар учун яратилган шарт-шароит ва қулайликлар билан танишдилар.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**



# ҲАЛОЛ РАҚОБАТ – СИФАТ ГАРОВИ

**Бугунги кунда транспорт хизмати жаҳонда энг юқори даражага кўтарилган соҳалардан бири ҳисобланади. Шу билан бир вақтда хизмат маданияти ҳам жадал юксалиб бораяпти.**

"Бекобод автобус-такси саройи" масъулияти чекланган жамияти ҳам шундай рақобат шароитида фаолият кўрсатаётган корхоналардан биридир.

– Бир пайтлар ҳудудимиз аҳолисига фақатгина бизнинг корхонамиз хизмат кўрсатган бўлса, эндиликда сафимизга ўнга яқин хусусий автокорхоналар қўшилди, – дейди жамият раиси Содиқ Сатторов. – Шунга қарамай, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш орқали юқори натижаларга эришишга ҳаракат қилинмоқда. Мавжуд транспортларнинг хизмат кўрсатиш доираси узлуксиз кенгайтириб борилмоқда. Бу эса рақобатбардошлигимизни янада мустаҳкамлашга ва бошқа корхоналар ўртасида ўзимизнинг ўрнимизга эга бўлишимизга замин яратмоқда.

**СУРАТДА:** (чапдан) автосарой раҳбари Равшан Йўлдошев, механик Ғайрат Аҳмадалиев ва ҳайдовчи Мамарасул Маткаримов.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

# «ТАСАВВУФ – БОРИ АХЛОҚДУР...»

Тасаввуф инсониятни руҳий-маънавий покланишга даъват этувчи ғоялар силсиласи сифатида пайдо бўлиб, унинг намояндалари узоқ асрлардан бери инсоният ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Кўплаб олим ва адиблар, давлат ва жамоат арбоблари ўзларини тасаввуф оламига дахлдор санаган, унинг покликка даъват қилувчи ғояларини ўз илмий-бадиий фаолияти, халқ турмуш тарзига татбиқ этиш йўлида саъй-кўшиш этган. Инчунин, буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг Хожа Аҳмад Яссавий қабри устига муҳташам мақбара тиклаганликлари, ўз фаолиятларида машҳур тариқат пешволари Саййид Амир Кулол, Саййид Умар ҳамда Саййид Барака маслаҳатларига амал қилганликлари – тарихдан яхши маълум.

Тасаввуф йўлида риёзат чеккан буюк шайхларнинг ислом дунёсидаги адади чексиз бўлиб, шулардан бир қанчаси Туронзаминда туғилиб, вояга етган. Улар яратган таълимот ва илгари сурган ахлоқий-ирфоний, маънавий-маърифий ғоялар ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шу билан бирга, барча замонларда тасаввуфни ва унинг ички тармоқлари ўлароқ тараққий этган турфа тариқатларни тирикчилик манфаатлари воситасига айлантирган сохта "тасаввуфчи"лар ҳам топилиб турган. Бу эса ўзини ҳақиқий маънода тасаввуф вакили санаган ва унинг талабларига бўйсунишни бурч билган кишилар ва тасаввуфни шахсий манфаатлар воситасига айлантирган кимсалар ўртасидаги ғоявий ихтилофларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Мовароуннаҳр заминида вояга етган етук аллома Абу Бакр Исҳоқ Калободийнинг (вафоти 990 йил) "Ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф" ("Тасаввуф йўлини таништириш") асари ана шундай ихтилофлар тасаввуфга ҳам, одатий диний урф-одат ва амалларга ҳам хатар солган бир шароитда яратилган ва асар муаллифининг диний-тасаввуфий бағрикенглик ғоялари тарғиб этилган фикрлари мазкур масалага оид кўплаб муаммоларга ойдинлик киритишга хизмат қилган эди. Имомлар хожаси, буюк фақиҳ Абу Иброҳим Мустамлий Бухорийнинг (вафоти 1043 йил) "Ат-Таъарруф"ни "Шарҳ ат-таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф" ("Тасаввуф йўлини таништиришнинг шарҳи") номи билан шарҳлашдан кўзлаган мақсади ҳам халқни тасаввуф асроридан воқиф этиш, турли ақида ва хурофотларга чек қўйиш, шариат ва тариқат ўртасида пайдо бўлган сунъий ғовларни йўққа чиқариш эди.

Буюк мутакаллим, "ақидани тузатувчи" унвони билан машҳур бўлган Абу Мансур Мотуридийнинг "Китоби тавҳид" асари ҳам, аслида, ана шу жабҳадаги ихтилофларга чек қўйиш зарурати туфайли яратилган. Халқни ўз замонасида авж олган бидъат-хурофотлардан халос этиш бу улуғ зотнинг ҳам эзгу орзуси эди.

Кейинчалик бу масалаларга нафақат шариат ва тариқатнинг назарий масалалари билан шуғулланган олимлар, балки маълум тариқат сардори ёхуд вакили сифатида фаолият юритган шайх-шоирлар ҳам мурожаат қиладиган бўлди. Зеро, улар ақидапарастлик, хурофий қарашлар туфайли шариат ҳам, тариқат ҳам зарар кўришини яхши билган. Шу боис катта-кичик асарларда олим ва омил бўлиш, риё ва таъмадан йироқ туриш каби муҳим ижтимоий-маърифий масалаларга дахл қилишган. Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр", "Илоҳийнома", "Асрорнома" манзумаларида, Жалолиддин Румийнинг олти китобдан иборат машҳур "Маснавийи маънавий"сида ҳам мазҳаблараро ихтилофлар масаласига такрор-такрор эътибор қаратилган, бидъат ва хурофот жамиятга ҳам, динга ҳам зарар келтирувчи мислсиз офат экани таъкидланган.

Бу умумбашарий ғоялар Туронзамин машойихи дунёқарашини ҳам четлаб ўтмади. Зотан, бу ҳудудга мансуб манзилгоҳларда тасаввуф илм-фан ва маданият ривожининг узвий қисми сифатида тараққиёт босқичига кирган, унинг ривожига тўсиқ бўладиган ёт кучлар жунбуши аҳён-аҳён кўзга ташланиб қолар эди. Ана шундай бир шароитда "Туркистон аҳлининг шайх ул-машойихи", "султон ул-орифин" Хожа Аҳмад Яссавий: "Тариқатга шариатсиз кирганларнинг Шайтон келиб имонини олар эрмиш," – дея дадил фикр айтди ҳамда ўз шогирдлари, аҳли илм фаолиятида шариат ва тариқатнинг уйғун тарзда такомилга етишига алоҳида эътибор қаратди.

Шариат ва тариқатни ўзаро алоқадорликда тараққий эттириш, жамиятни турли фикрий офатлардан йироқ сақлашда хожагон таълимотининг Мовароуннаҳрдаги асосчиси ва сардори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний фаолияти муҳим ўрин тутади. Улуғ Хожа "Васиятнома" китобларида шундай таъкидлайди: "Эй ўғлим, молинг фиқҳ ва ҳадис бўлсин. Жоҳил сўфийлардан йироқ бўл!" Ҳазрат "жоҳил сўфийлар" деганда тасаввуфни шон-шуҳрат ва манфаат воситасига айлантирган айрим кимсаларни назарда тутгани шубҳасиз.

Хожагон-нақшбандия Қуръон ва суннатга таянганлиги, Расулуллоҳ (с.а.в)нинг унутилиб кетган барча суннатларига амал қилишга, шариатдан узоқ бўлмасликка, фиқҳ ва ҳадис илмларини мустаҳкам эгаллашга чақириши, ҳанафий мазҳаби ва мотуридия ақидасига асосланганлиги, "Қўлинг ишда бўлсин, кўнглинг – Аллоҳда" шиорини тарғиб қилиши, кишиларни ҳалол меҳнатга, касб-ҳунар билан шуғулланишга, ўз қўл меҳнати эвазига ҳалол ризқ-рўз топишга даъват этиши билан эътибор қозонди ва қозонмоқда.

Тасаввуф – пайғамбарлардан қолган улуғ мерос. Ҳар бир пайғамбар ўз қалбини Аллоҳнинг зикри билан пок этиб, Унинг буйруқларини бекаму кўст бажарган ва ҳалол меҳнат ила ризқ топишни ўз бурчи деб билган. Жумладан, Одам алайҳиссалом деҳқончилик, Идрис алайҳиссалом темирчилик, Мусо ва Муҳаммад алайҳиссаломлар чўпонлик қилган. Кейинчалик Муҳаммад алайҳиссалом тижорат билан шуғулланганлар. Бу анъаналарни муносиб давом эттирган нақшбандий шайхлар амалий фаолиятда ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в)дан мерос бўлиб қолган суннатга садоқат бажо этишган. Жумладан, Хожа Али Ромитаний – тўқувчи, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий – боғбон, Саййид Амир Кулол – кулол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд – наққош, тўқувчи ва чорвадор, Саййид Амир Кулолнинг ўғли Саййид Амир Ҳамза – овчи, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор – чорвадор ва савдогар бўлишган.

Жоҳил, нодон, тафаккур доираси тор, мутаассиб сўфийлар халқни залолатга, мутаассибликка (фанатизмга) даъват этувчи хатарли куч эканини яхши билган, хожагон таълимотини ичдан янгилаган, унга жаҳоншумул шуҳрат келтирган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам мутаассиблик, жаҳолатпарастлик, маърифатсизликка қаттиқ қарши турганлар ва бу иллатларни кескин қоралаганлар. Буюк бобокалонимизнинг мана бу сўзлари ғоят ибратли: "Биз Аллоҳнинг лутфига боғланганлармиз. Бизни лутф эшигидан киргиздилар. Вазифамиз – фарз, вожиб ва суннати муаккада (таъкидланган)ларни адо этишдан иборат". Ул зоти шарифнинг нуқтаи назарларига кўра, Аллоҳ марҳаматига турли ёт ғоялар таъсирига тушиб адашиш эмас, балки фарз, вожиб ва суннат амалларга содиқлик туфайли эришилади.

Улуғ Хожа зоҳирпарастликни қатъий қоралайди. Зеро, Тангри наздида ҳам энг мақбули – қалб ибодати. Ибодатини бошқалар кўзи учун қиладиган, "кароматини"ни кўрсатишга ошиқадиган зоҳирпараст сўфийлар – икки дунёда ҳам шармисор. Зоҳирда бегона кўриниб, ботинни огоҳлик нури билан ёритган зотларга эса бутун дунё ҳавас қилади. Бинобарин, ҳазрат Баҳоуддин шундай буюради:

*Зоҳиринг бегона, ботинда бўл огоҳ ҳар нафас,*
*Бул каби озода рафторга жаҳон қилгай ҳавас.*

Ҳазрат Нақшбанд кароматни зоҳир этишни ҳам айб ҳисоблаганлар. Улуғ зот бунга одатланиш манманликка маҳкум қилишини, бу эса кибру ҳаво ботқоғига ботиш ва Яратганнинг марҳаматидан бебаҳра қолиш билан баробар эканини уқтиради. Алломанинг мана бу ҳикмати инсоннинг омонат умри кароматни зоҳир этиб, халқ кўнглига қутқу солиш эмас, балки фарз, вожиб ва суннат амалларни мукаммал адо этиш учун берилганини таъкидлаши билан эътиборли:

*Йўлга чиқдик чин ибодатни дея,*
*Келмадик кашфу кароматни дея.*

Манбалар шаҳодатича, нақшбандия таълимоти давомчилари сифатида майдонга чиққан кейинги давр алломалари ўз дуоларида каромат зоҳир этиб, шармисор бўлишдан асрашини сўраб, Яратганга илтижо қилар эканлар.

Нақшбандиянинг муносиб давомчиси, "Ҳайрат ул-аброр", "Лисон ут-тайр", "Насойим ул-муҳаббат" каби шоҳ асарларида тасаввуфнинг назарий ва амалий муаммоларини таҳлил қилган улуғ шоир Алишер Навоийнинг тасаввуф шарҳига бағишланган ғазали ҳам шариат ва тариқат талқинида гумроҳлик худнамолик авж олиб кетган бир шароитда яратилган эди.

Ижтимоий-маърифий ҳаётдаги ҳар бир нарса-ҳодисага талабчанлик билан муносабатда бўлган ҳазрат Навоий тасаввуф аҳлига мансублик масаласида ҳам шарт ва чегараларни қатъий белгилайди. Тасаввуф асли ва наслида ихтилоф бўлмаган, яъни асли ва насли тоза, феъл-хўйи раҳмоний бўлган кишиларга насиб этади, дейди шоир. Бироқ тасаввуфни дунёдан узилиш, тақводорлик ва тоатдан иборат деб тушуниш – хато. Чунки зуҳду тақвою тоатни ихтиёр этганлар ўзлари учун риё эшигини бекита олмайди. Тасаввуф ва тақво эш, аммо бу тақво риё билан алмашган, самимият ўрнини ёлғон эгаллаган жойда тасаввуфга дахлдорлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлайди буюк маърифатпарвар:

*Бировга мусаллам тариқи тасаввуф, –*
*Ки зотида мавжуд эмастур тахаллуф...*

*Тасаввуф эмас зуҳду тақвою тоат, –*
*Ки анда риё йўл топар бетаваккуф ...*

*Эрур маҳз тақвою ва лекин риёсиз*
*Убудияти сарфу айни талаттуф.*

Улуғ алломанинг бу танбеҳу насиҳатлари бежиз эмаслигини англаган, ўзлари яшаб турган муҳитда ғайришаръий ва тасаввуфга иснод келтирадиган ишлар урфга айланганини кўрган шоир замондошлари ва кейинги давр ижодкорлари ҳам бу муаммога қайта-қайта мурожаат қилишди. Жумладан, XV асрнинг биринчи ярмида ижод қилган шайх-шоир ва мутасаввиф Саййид Қосимийнинг зоҳирпарастликни одат қилган мунофиқ сўфийлар ҳақидаги мана бу мисралари бугунги кун билан ғоят ҳамоҳанг:

*Ичинг бирлан ташинг эрмас мувофиқ,*
*Тасаввуфдан дам урма, эй мунофиқ.*

Маърифатпарвар шоир Навоий фикрини қўллаб-қувватлайди. Дарҳақиқат, тақво ва риёни бир танага жо этиб бўлмаганидек, зоҳир ва ботинни бирдек покламай туриб, тасаввуфдан сўз очмоқ риёкорликдан ўзга нарса эмас.

Сўфи Аллоҳёрнинг "Шариатсиз киши учса ҳавоға, Кўнгул берма анингдек худнамоға" мисралари эса бугун ўзини "пир" деб эълон қилган, Пайғамбаримиз (с.а.в) суннатларига юзаки муносабатда бўладиган, одамлар кўнглига қутқу солиш, мурид овлаш, давлату савлат илинжида тўрт томон изғишни одат қилган кимсалар ҳақида айтилгандек гўё.

Собиқ шўронинг Туронзаминни осонлик билан забт этиши ва даҳрийликка асосланган сиёсатни бутун ўлка бўйлаб ёйишида ҳам аслида ўз қадриятларимизга, ўтмиш анъаналаримизга бепарволигимиз, ақидавий ихтилофларнинг олдини ололмаганимиз, маърифий ҳаётимизни турли майда оқимлар таъсиридан тозалашга киришмаганимиз омил бўлган эди. Дину диёнатимиз, илму маърифатимиз топталган, инсонпарвар дин ва маънавият равнақи йўлида заҳмат чеккан Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби ўнлаб буюк бобокалонларимиз яратган ислом маданияти оёқости қилинган, кўп асрлик нодир меъморий обидалар, масжид-мадрасалар бузиб ташланган, азиз авлиёлар номи билан боғлиқ қадамжоларни зиёрат қилиш тақиқланган ўша кунлар озорини унутиб бўлар эканми?!

Афсуски, бугун ҳам ҳукуматимизнинг дину диёнатимизни тиклаш, халқимизни маърифатли қилишга қаратилган изчил ислоҳотлари аҳамиятини тушунмайдиган, уларга беписанд муносабатда бўладиган, уларнинг динпарвар ва инсонпарвар моҳиятидан ўз шахсий манфаатларини қондириш, шон-шуҳрат қозониш мақсадида фойдаланишга уринадиганлар бор. Ўз хатти-ҳаракатларининг нафақат давлат ва жамият ривожига, балки диний осойишталикка ҳам рахна солаётганини англамаётган бундай кимсалар – бугунги ва эртанги кунимиз учун ғоят хатарли.

Шу боис ҳар биримиз, муҳтарам Юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганларидек, "жаҳон тафаккур хазинасига ва муқаддас динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларимиз меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, эзгулик, маънавий комилликка чорловчи ғояларини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш" йўналишида чинакам ғайрат кўрсатишга бурчлимиз. Зеро, бу йўлдаги огоҳлик ва фидойилик нафақат ибодатларимизни эмин-эркин адо этиш, балки мустақил юртимизда тинчлик ва барқарорлик пойдор бўлиши учун замин яратади. Шунингдек, "ғояга қарши – ғоя, мафкурага қарши – мафкурани қурол қилишимиз зарур" бўлган бир шароитда аҳли хонадонимиз, фарзандларимиз онгини ҳар турли ёт ғоялардан муҳофаза қилувчи қўрғон вазифасини ўтайди.

**Абдулғафур Раззоқ БУХОРИЙ,**
**Мир Араб мадрасаси мударриси.**
**"Нақшбандия" журналидан олинди.**

## ҲАМЖИҲАТЛИК

**"Ўзбекистон-Қирғизистон" дўстлик жамиятининг 2009 йил якунлари ва бу йил амалга ошириладиган вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Тадбирда қадимдан дўст ва биродар бўлиб яшаб келаётган икки халқ ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида халқ дипломатиясини ривожлантириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

– Ирмоқлар ирмоқларга қўшилиб, катта дарё бўлгани каби миллатлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ҳам катта қудратдир, – дейди ёзувчи Ёқубжон Хўжамбердиев. – Узоқ замонлардан бери ёнма-ён яшаб келган ўзбек ва қирғиз халқларининг тарихи, маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзида муштарак томонлар жуда кўп. Икки халқнинг оғзаки адабиёт намуналари бир-бирига жуда яқин.

Иштирокчилар илмий соҳадаги ҳамкорлик ва бу соҳадаги тажрибалар ҳақида ҳам мулоҳазалар билдиришди. Тошкент автомобиль ва йўллар институти ректори Мурод Икромов "Ўзбекистон-Қирғизистон" дўстлик жамияти раиси этиб сайланди.

**Ғазалкент шаҳридаги Бўстонлиқ ўлкашунослик музейи бу сўлим гўша ўтмиши ва бугунги куни ҳақида ҳикоя қилувчи 100 дан ортиқ экспонатлар билан бойиди.**

## СЎЛИМ ДИЁР ТАРОВАТИ

– Бизда турли бадиий кўргазмалар ҳам намойиш қилинади, – дейди музей раҳбари Елена Мардонова. – Бўстонлиқ боғроғлари, сўлим гўшалари манзаралари акс этган картиналар кўргазмаси ҳам томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Моҳир альпинист Георгий Калинин томонидан мангу лаҳзаларга айлантирилган фотосуратлар мажмуаси яқинда мухлислар эътиборига ҳавола қилинди.

Баркамол авлод йилида "Менинг севимли ўлкам" мавзусида бир нечта кўргазма намойиш этиш режалаштирилган.

## ҚИШЛОҚ МАНЗАРАСИ ЁШЛАР НИГОҲИДА

**"Менинг қадрдон қишлоғим" мавзусида уюштирилган кўрик вилоятимиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун жиддий ижодий танлов бўлди.**

Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган бу маҳорат кўригида ҳаваскорлар ўзлари чизган расмлари билан қатнашдилар.

Шаҳардаги 14-меҳрибонлик уйи вакиллари мўйқаламда акс эттирган манзараларда Чирчиқ воҳаси латофати яққол намоён бўлган.

Бу ерда фаолият кўрсатаётган тасвирий санъат студиясининг уч нафар аъзоси ғолибликни қўлга киритди.



лагани "Йилнинг энг муҳим воқеалари", дея эътироф этилди.

Кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони, жанговар яккакурашлар бўйича I Осиё ўйинлари ғолиби Шерали Жўраев мусобақаларда кўрсатган чиройли усуллари билан "Энг яхши техникаси учун" совринини қўлга киритди.

Жанговар яккакурашлар бўйича I Осиё ўйинлари ва ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинлари доирасида кураш мусобақаларини юқори савияда ташкил этган Таиланд ва Вьетнам кураш федерациялари "Йилнинг энг яхши федерациялари", Украинанинг Алушта шаҳри мезбонлик қилган VII жаҳон чемпионати "Энг яхши чемпионат", эронлик полвон Мустафо Далириан ва

# ЎЗБЕК КУРАШИ ФИДОЙИЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

**Пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шуҳрати" музейида Кураш халқаро ассоциациясининг 2009 йилги спорт мавсуми якунларига кўра қатор номинациялар бўйича ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказилди.**

Кураш бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, кўплаб халқаро турнирлар юқори савияда ташкил этилмоқда. 2009 йилги спорт мавсуми ҳам кураш оламида муҳим воқеаларга бой бўлди.

Ўтган йилнинг январь ойида Грециянинг Салоники шаҳрида ўтказилган ва дунёнинг йигирмадан зиёд мамлакатидан энг сара полвонлар қатнашган V халқаро Ислом Каримов турнири ассоциация томонидан 2009 йилнинг "Энг яхши турнири", деб топилди.

Курашнинг Таиландда ўтказилган жанговар яккакурашлар бўйича I Осиё ўйинлари ва Вьетнамда ташкил этилган ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинлари дастурига киритилгани ва ўзбек жанг санъати йўналишларидан бири – жанг кураши бўйича КХА таркибида халқаро федерация иш бошмўғилистонлик курашчи қиз Лхагваху Очирпурев "Йилнинг энг яхши курашчиси" совринлари билан тақдирланди.

Шунингдек, "Курашнинг энг яхши халқаро тарғиботчиси", "Энг яхши конфедерация", "Энг яхши ҳакам", "Кураш фидойиси", "Энг яхши ташкилотчи", "Энг яхши журналист" ва бошқа номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**ЎзА.**

**СУРАТДА:** тақдирлаш пайти.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**



*Инсонларни эъзозлагин, сев,*
*Келажакка ишон, фарзандим.*
*Ватан, ота-она учун сен,*
*Керак бўлса бер жон, фарзандим.*

*Эзгуликнинг йўл бошида бўл,*
*Соф ниятли юрак — юракдир.*
*Сени севган Ватан учун, бил:*
*Фақат шундай фарзанд керакдир!*

## АБЖИРЛАР ЎЙИНИ

# УЛОҚ КИМДА КЕТДИ?

**Қуйичирчиқ туманидаги Кўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинида Баркамол авлод йилига бағишлаб от спорти турига кирувчи улоқ мусобақаси бўлиб ўтди. Уни ташкиллаштиришда шу қишлоқда яшовчи моҳир чавандозлар – Қудрат ва Ахмет Усмоновлар бош-қош бўлишди. Ўзбекистон от спорти федерацияси эса тадбирни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлади.**

Мазкур мусобақада Тошкент шаҳри ҳамда Фарғона, Қашқадарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари, шунингдек, қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларидан келган чавандозлар от сурдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, мусобақа совринларига чавандозларнинг ўзлари ҳам шахсий жамғармаларидан ҳиммат кўрсатдилар.

"От ўрнини той босар" деганларидек, туманимизда ўтган марҳум Тўрахон, Мўлдабой, Ойнабек, Ўрмон, Қўсбой, ҳозирда ҳам ёшларга мураббийлик қилаётган Султоншо, Худойберген, Ўроқбой, Қолдибек чавандозларнинг издошлари бугун улоқни қўлдан бермай келмоқдалар.

Улар орасида Ахмет, Қудратхўжа, Раҳматулла,



Сайфиддин чавандозлар номини нафақат республикамизда, балки қўшни мамлакатларда ҳам яхши биладилар. Вакилларимиз халқаро ва мамлакатимиз миқёсидаги турли от спорти мусобақаларида фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Хусусан, 1993 йилда Бишкек шаҳрида ўтказилган улоқ бўйича Осиё биринчилигида туманимиз вакиллари кумуш медаль совриндори бўлишди. 2000 йилда Алмати шаҳрида ташкил этилган Осиё биринчилигида эса 1-ўринга сазовор бўлдилар. 2007 йилда Жиззах шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида ҳам чавандозларимизга шарафли 1-ўрин насиб этди.

Туманда ўтказилган мазкур мусобақада ҳам улар энг олди совринларни қўлга киритдилар. Муросасиз ўтган мусобақада жиззахлик чавандозлар 2 та, пойтахт чавандозлари 4 та, Қашқадарё вилояти вакиллари 3 та, қозоғистонлик чавандозлар 5 та совринга эгалик қилдилар. Мусобақанинг энг юқори соврини – 500 ва 700 минг сўмлик мукофотлар яна қуйичирчиқлик Раҳматулла ва Асад Усмоновларга насиб қилди.

**Абдулла САФАРОВ.**

## БИЛАСИЗМИ?

*Жунли рўмолингизни куядан асрамоқчимисиз? Уни банкага солинг-да, оғзини қопқоқ билан маҳкам беркитиб қўйинг.*

* * *

*Пичоқдан балиқ, саримсоқ ва пиёз ҳидини кетказиш учун оловга тутиб, кейин совуқ сувда ювиб ташласангиз кифоя.*

* * *

*Лимонлар қуриб қолмаслиги учун уни совуқ сув тўлдирилган идишда сақланг. Сувни ҳар икки кунда янгилаб туришни унутманг.*

* * *

*Уйқусизликдан қийналсангиз, ёстиғингизга 3-4 томчи апельсин шарбатини томизиб қўйинг.*

* * *

*Сут ачиб қолмаслиги учун унга шакар солиб қайнатиш керак.*

* * *

*Ачиган сариёғни қайтадан эритсангиз, ундаги ёқимсиз ҳид йўқолади.*

* * *

*Сутга нон тўғраб еб юрган кишининг ҳазм қилиш органлари фаолияти янада яхшиланиб, ранг-рўйи тиниқлашади.*

* * *

*Чой сақланадига идишга лимон ёки апельсин пўстлоғи солиб қўйсангиз, қуруқ чой янада хушбўй бўлади.*

* * *

*Картошкани пўстлоғи билан пишириш ўта зарарлидир. Чунки унинг пўстлоғида саломатлик учун зарарли бўлган моддалар миқдори меъёрдан анча кўпдир.*

## КУЛГАНГА НИМА ЕТСИН

### Вафодорлик

*Судья жиноятчидан сўраяпти:*

*– Бу жиноятни бир ўзинг қилмагансан, мен билиб турибман. Шеригингнинг кимлигини айт?*

*Жиноятчи пинак бузмабди.*

*– Ўзингга жабр қилма, оқибати ёмон бўлади, – судья тушунтирган бўлибди. – Ёлғон кўрсатма берсанг, айбинг оғирлашади. Яхшиси шеригингнинг кимлигини айт!*

*– Мени ким деб ўйлаяпсиз, жаноб судья, – дермиш жиноятчи. – Ўзимнинг туғишган укамни сотганимдан кўра, ўлиб кетаверганим яхши.*

### Ким ичган?

*Инспектор ҳайдовчини тўхтатиб:*

*– Ичганмисиз? – деб сўрабди.*

*– Умримда ичмаганман.*

*– Ҳаммаларингнинг топиб олган гапларинг шу! – дебди назоратчи афтини буриштириб. – Текшириб кўрамиз. Қани, манови аппаратга пуф денгчи!*

*Ҳайдовчи унинг буйруғини бажарибди. Аммо аппаратда ҳеч қандай ўзгариш бўлмабди.*

*– Наҳотки бузилган бўлса, – деб назоратчи аппаратга ўзи пуфлаб кўриб, дермиш: – Йўқ. Балодай ишлаяпти.*

### Қизиқиш

*Ўлим тўшагида ётган бемор:*

*– Дўхтир, мен яшашим мумкинми? – деб сўрабди шифокордан.*

*– Мени ҳам шу савол қизиқтиради, – жавоб қилибди шифокор.*


Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2009 йил 28 декабрдаги 11-0906/20959-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Вохид Маткарим файз" хусусий корхонасига, 11-0906/20960-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Темсарбегим Агро" фермер хўжалигига, 11-0906/20958-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Машриқ-Ул-Агро" фермер хўжалигига, 11-0906/21006-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Юнусбек савдо" масъулияти чекланган жамиятига, 2009 йил 8 январдаги 11-0906/21760-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Асилбек" фермер хўжалигига, 11-0906/21759-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Хайтбек Мансурхўжа" фермер хўжалигига, 11-0906/21758-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Худойберди" фермер хўжаликлари банкрот деб топилиб, тугатишга оид иш юритишлар бошланди. Тугатиш бошқарувчиси этиб "Асилбек", "Хайтбек Мансурхўжа", "Худойберди", "Темсарбегим Агро", "Машриқ-Ул-Агро" фермер хўжаликлари ва "Юнусбек савдо" масъулияти чекланган жамиятига Бекобод туман ДСИ ходими Ж. Эшматов, "Вохид Маткарим файз" хусусий корхонасига Бекобод туман ДСИ ходими М. Мирзакаримов тайинланган.

Кредиторлар талабларини тугатиш бошқарувчилари Бекобод тумани Давлат солиқ инспекциясининг 3-хонасида қабул қилади.

Кредиторлар талаблари Ушбу хабарнома чоп этилган кундан эътиборан 1 ой муддат ичида қабул қилинади, муддати ўтиб, тақдим этилган талаблар қабул қилинмайди.

Мазкур корхоналардан "Темсарбегим Агро" ва "Машриқ-ул-Агро" фермер хўжаликлари, "Юнусбек савдо" МЧЖ ҳамда "Вохид Маткарим файз" хусусий корхонаси кредиторларнинг иккинчи йиғилиши 2010 йил 7 февраль соат 10.00 да, "Асилбек", "Хайтбек Мансурхўжа", "Худойберди" фермер хўжаликлари креиторларининг иккинчи йиғилиши 2010 йил 21 февраль соат 10.00 да Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Давлат солиқ инспекциясининг 1-қавати, 3-хонасида бўлиб ўтади.

**Манзил: Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Тошкент кўчаси, 1-уй. Тел.: (+99871) 150-49-99.**


## ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

# ТЎЁНА

– Уф-ф, қариндошларинг намунча тўй қилишмаса! Бунисига тўёна бериб улгурмасимдан униси тайёр туради. Кошки, қўлимда мўмай-мўмай пул бўлса.

Эрининг бу гапидан Зулфизарнинг қовоқлари осилди:

– Доим шунақасиз! Бировтасидан қарз олсангиз осмон узилиб ерга тушармиди! Ҳаммаям сизга ўхшаган, аммо дамини чиқармай, тўй қилаяпти, тўёна қилаяпти! Эрта-индин Санжарга суннат тўйи берсак, акам тўёна бермай катта холангиз берадими?!

– Ўчир овозингни! Ишдан уйга қайтгим келмай қолди. Сени кўришга юрагим безиллайди! Бир ёқда чала қолган қурилиш, бир ёқда битмаган молхона... – Кабир қўлидаги пахта гулли косани даҳлизга улоқтирди. Ичидаги ярим коса мошхўрда гиламга тўкилди. Зулфизарнинг жон-пони чиқиб кетди.

– Ўзингиз уйга битта коса кўтариб келмайсиз-у, нега отасиз?! Ё онажонингиз олиб берганмиди, а?!

Бемор ётган онасига тил теккизгани баттар қонини қайнатиб, Кабир шер бўлиб кетди:

– Сенга уйланиб хор бўлдим, тўнка. Онам шўрлик касал ётибди, мен бўлсам на дори-дармондан, на озиғидан хабар оламан? Ҳаммасига сен сабабчисан, сенинг ити туғсаям тўй қиладиган аҳмоқ қариндошларинг сабабчи! Ўшаларга сарфлаган пулларимни онамга ишлатсам бўлмасмиди?! Мен ўғил бўлиб унга нима каромат кўрсатдим? Сен агар бошқа ақлли аёлларга ўхшаб топганимни тежаганингда, шу аҳволга тушиб ўтирмасдим!

Зулфизар ҳартугул эрининг сўзларини индамай эшитди, кейин ҳеч нарса бўлмагандек, ялтоқланди:

– Дадажониси, ўзингизни босинг, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, қарздан ҳам қутулиб кетамиз. Ойижоним ҳам тузалиб кетадилар! Элдан чиқмайлик, акамга синглимга қилган тўёнадан кўпроқ қилмасак, кеннойим гапирмайдими? Ҳам отам, ҳам акам, ахир...

Хотинининг ялинишга тушиб қолгани Кабирнинг ҳовурини босди. Эртаси куни хотини айтган 500 юз минг сўмни оғайниларидан қарз кўтариб келди. Бу унинг икки ойлик маоши билан тенг эди. Хотин кишининг макри қирқ туяга юк бўлади, деганларича бор. Эрининг қўлидан пулларни жарақлатиб санаб олган Зулфизар навбатдаги нағмасини бошлади:

– Дадажониси, ўзим ўргилай сиздан, ҳалиги... Акамга қимматбаҳо тўн, кеннойимга помбархитнинг тозасидан олсак...

Кабирнинг тепа сочи тикка бўлди. Ахир, яқиндагина қайнсинглисининг тўйи учун олган қарзлари бўйнида турибди-ку, энди қайноғасиники қўшимча бўлди. Улар Кабирнинг бор-йўғи билан қизиқишармиди?! Ўпкагина қилишни билишади, холос.



Агар у ҳозир хотини билан яна ади-ади айтишадиган бўлса, асаби дош беролмайди. Индамасдан кўчага чиқиб кетди...

Уйга қайтиб келганида хотини сандиқ титиб ўтирарди.

– Кечаги пулни бу ёққа бер!

– Қайси пулни, дадаси?

– 500 минг сўмни!

– Вой, мен уни бугун акамга ташлаб келдим-ку...

– Нега мендан берухсат ташлаб келасан! Ҳали тўйга анча вақт бор-ку! Бу уйда ким хўжайин ўзи? Мен тўйга шумшайиб кириб бораманми, а? Сен ўзи қаеринг билан фикрлайсан?!

– Намунча бақирасиз?! Нима, энди бориб пулни қайтариб олиб келайми?! Аввалроқ берсак камкўстига ишлатишади, ахир.

Кабир хотинига бас келолмаслигини англаб, костюмини елкасига ташлади-да, уйдан чиқиб кетди. Шу кетганча икки кун келмади. Зулфизар эрини сўраган қўшниларига "бедарак йўқолди" дея ҳазиллашиб юрди. Кабир учинчи куни ҳам қорасини кўрсатмади. Бу орада тўй куни яқинлашди. Кабир тили билан юрадиган божалари ўртасида гап-сўзга қолмаслик учун ноилож тўйга борди. Тўйдан кейин Зулфизар билан яшамасликка аҳд қилди. Тўёнадан мамнун ака унга ўзгача илтифот кўрсатиб, кутиб олди. Аммо тўй ярмида калтафаҳм хотини ҳунар кўрсатди:

– Эрим тўёнани деб мени ташлаб кетди! – деди у опасингилларига шикоят қилиб.

– Почча, жа оширворибсизми? Яхшиямки, 500 минг сўмгина қўшибсиз, бўлмаса бечора синглимизни боши балодан чиқмас экан-да... – Яқиндагина Кабирдан ҳам қарз кўтариб ўғлига суннат тўйи берган қайнсинглисининг илмоқли гаплари унинг юрагини тешиб ўтди.

Божалар ялт этиб Кабирга қарашди. Кабир эса ўзига тантанавор тикилиб турган хотинига ўқрайди, аммо бирор сўз демади. Индамай тўйхонадан чиқиб кетди...

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.**

## РАССОМ ХАНДАСИ





Тошкент ахборот технология университети томонидан Касымов Файзулла Асадуллаевич номига берилган 04 Т 264 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "FOX PRICE" (ИНН 301069839) Сергелийского района г. Ташкента **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 251-55-25.

**«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиали таркибидаги Келес, Пискент, Оҳангарон почта алоқа тармоқларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича (махсус хонани қуриб жиҳозлаш) тендер эълон қилади.**
**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзил ва телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 3-уй. Тел/факс: 250-04-43, 250-93-94.**

Юнусобод туманида рўйхатга олинган "MUXTABARXON DURDONALARI" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 300942845) устав фонди миқдорини 18000000 сўмдан 13365643 сўмгача камайтирмоқда.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Хуршида ТУРСУНБОВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-41. Адади 12079. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.15. 1 2 5 6 7 8